66.7
Ў-28

O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI

# Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчилари учун

# ҚЎЛЛАНМА

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач ______

66.7
Ў-28
N 28 Ф.

-2355-

O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI

# Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчилари учун

# ҚЎЛЛАНМА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Тошкент – 2018

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси - Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қуранбаев Қаҳрамон Кўчқарович, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Республика “Камалак” болалар ташкилоти раиси Зуфаров Муроджон Миржалолович, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шукуров Ўткир Илхамович раҳбарлигида тайёрланди.

**Тузувчилар:**

**Н.Субҳонов**
**Б.Кучаров**
**Э.Ахмедов**
**У.Рахманова**

Мазкур қўлланма Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчилари кундалик иш фаолиятида фойдаланиш учун тайёрланди.

# МУНДАРИЖА

| | |
|---|---|
| Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Устави | 4 |
| Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг “Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори | 22 |
| Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгашининг “Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларидаги бошланғич ташкилотларида самарали меҳнат қилаётган етакчи ва сардорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда уларни рағбатлантириш механизмлари тўғрисида”ги мажлиси баёни | 33 |
| Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарори | 41 |
| Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзолигига ёшларни қабул қилиш тартиби | 47 |
| Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзосининг анкетаси | 48 |
| Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотида юритиладиган ҳужжатлар йиғма жилдлари | 49 |
| Бошланғич ташкилот учун тавсия этиладиган деворий кўргазмали воситалар намуналари | 50 |
| Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари хонасини жиҳозлаш бўйича тавсиялар | 52 |
| Бошланғич ташкилот паспорти | 53 |
| Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотларининг намунавий иш режаси | 57 |

# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИНИНГ УСТАВИ

## I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (кейинги ўринларда – Иттифоқ деб юритилади) жисмонан соғлом, маънан етук ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш, ёшларни ташқи таҳдидлар ва "оммавий маданият"нинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш ва шарт-шароитларни яратиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан иттифоқ ташкилий-ҳуқуқий шаклида тузилган, Ўзбекистон ёшларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Иттифоқ муқаддам Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати номи билан 2012 йил 1 июнь куни қайта рўйхатдан ўтказилган ва унга 653п-сонли гувоҳнома берилган. Иттифоқ Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг барча ҳуқуқ ва мажбурияти бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

1.2. Иттифоқ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мазкур Уставга мувофиқ юритади.

1.3. Иттифоқ ўз фаолиятини ихтиёрийлик, қонунийлик, ошкоралик, аъзолар (иштирокчилар)нинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўзини ўзи бошқариш тамойиллари асосида амалга оширади.

1.4. Иттифоқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади ва унда мол-мулкка эга бўлиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мол-мулк билан жавоб беради, ўз номидан мулкка оид ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ва амалга ошириши, мажбуриятларни ўз зиммасига олиши, судда даъвогар ёки жавобгар бўла олиши мумкин. Иттифоқ давлат тилида ўзининг тўлиқ расмий номи туширилган юмалоқ муҳр, штамп, бланклар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтган ўз рамзига эга бўлади.



1.5. Иттифоқ аъзолари Иттифоқ мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ўз навбатида Иттифоқ ҳам ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

1.6. Иттифоқ қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс мақомига эга бўлган, мазкур Устав ва ҳудудий таркибий тузилмалар тўғрисидаги Низомга асосан фаолият юритувчи алоҳида бўлинмаларни, яъни Иттифоқнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаларини (кейинги ўринларда ҳудудий кенгашларни) ҳамда Иттифоқнинг шаҳар ва туман маҳаллий бўлинмаларини (кейинги ўринларда маҳаллий кенгашларни) ташкил этиш ҳуқуқига эга.

1.7. Иттифоқнинг доимий фаолият кўрсатувчи раҳбар органи жойлашган жой (почта манзили): Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 11-уй.

1.8. Иттифоқ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади.

1.9. Иттифоқнинг тўлиқ номи:

давлат тилида кирилл ёзувида – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи;

давлат тилида лотин ёзувида – O`zbekiston yoshlar ittifoqi;

рус тилида – Союз молодежи Узбекистана;

инглиз тилида – Youth union of Uzbekistan.

## II БОБ. ИТТИФОҚНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Иттифоқнинг асосий мақсади ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига кириши жараёнларига жалб қилиш ҳамда ёш авлоднинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш, йигит-қизларнинг маънавий ва касбий савиясини юксалтириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдан иборат.

2.2. Иттифоқнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– баркамол, мустақил фикрлайдиган, ўзининг ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқодига эга, жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатни ислоҳ қилиш, янгилаш жараёнларида ҳал қилувчи куч ва таянч бўлишга қодир ёшларни шакллантириш, уларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий онгини юксалтириш;

– ёшларни, хусусан уюшмаган ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда тарихий хо-

тира, миллий ғурур ва ўзликни англаш, рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш;

– ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг замонавий касбларни эгаллашга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш;

– истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда илмий фаолиятга жалб қилиш;

– ёшлар, хусусан уюшмаган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи, экологик маданиятни шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш;

– ёшларни, хусусан уюшмаган ёшларни диний-экстремистик ва бошқа бузғунчи ғоялар ташкилотлар таъсиридан, четдан "оммавий маданият" ниқоби остида кириб келаётган салбий таъсир ва таҳдидлардан асраш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни профилактика қилиш ва олдини олишга кўмаклашиш ва бошқалар.

2.3. Юқорида санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Иттифоқ ўз фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирлар Дастурини қабул қилиши мумкин.

## III БОБ. ИТТИФОҚНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Иттифоқнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

– жамият ҳаётининг турли масалалари бўйича ташаббус кўрсатиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таклифлар киритиш;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонунчиликда ўрнатилган тартибда иштирок этиш;

– ўз фаолиятига доир маълумотларни тарқатиш;

– белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш, ноширлик ва матбаа фаолиятлари билан шуғулланиш;

– Уставда кўрсатилган вазифаларни бажариш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа турдаги юридик шахсларни ташкил қилиш;

– ўз рамзий белгилари ва кўкрак нишонини таъсис этиш;

– ўз фаолияти масалалари бўйича йиғилишлар, мажлислар, тадбирлар, анжуманлар, семинарлар ва давра суҳбатларини ўтказиш;

– қонун ҳужжатларига биноан республика ҳудудида ўзининг ҳудудий тузилмаларини очиш.

Иттифоқ қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.



3.2. Иттифоқнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

– қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилиш;

– ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар очиқлигини таъминлаш;

– нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатга олувчи органга ўзи ўтказаётган тадбирларда қатнашиш имконини бериш;

– рўйхатга олувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда тақдим этиш.

Иттифоқ зиммасида қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## IV БОБ. ИТТИФОҚҚА АЪЗОЛИК

4.1. Иттифоққа юридик ва жисмоний шахслар ушбу Уставда белгиланган тартибда аъзо бўлиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар Иттифоққа аъзоликка қабул қилиниши учун тегишли мазмундаги аризани тақдим этадилар.

4.2. Иттифоқнинг мақсадини қўллаб-қувватлаш истагини билдирган, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида мунтазам яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган жисмоний шахслар Иттифоқнинг аъзоси бўлиши мумкин.

4.3. Иттифоқнинг жисмоний шахс бўлган аъзоси Иттифоқнинг раҳбар органларига сайланган тақдирда унга нисбатан ушбу Уставнинг 4.2.-бандида кўзда тутилган ёшга оид чеклов қўлланилмайди.

4.4. Жисмоний шахсларни Иттифоққа аъзоликка қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш Иттифоқ бошланғич ташкилотининг Умумий йиғилиши томонидан, шунингдек бошланғич ташкилот Кенгашининг йиғилиши (бошланғич ташкилотда Кенгаш шакллантирилган тақдирда) томонидан амалга оширилади.

4.5. Жисмоний шахсларни Бошланғич ташкилот тегишли раҳбар органининг аъзоликка қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги қарори якуний ҳисобланади ва Иттифоқнинг юқори органлари томонидан тасдиқланиши талаб қилинмайди.

4.6. Жисмоний шахсларнинг Иттифоққа аъзолиги қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

– Иттифоқ аъзоси аризасига кўра;

– Иттифоқ аъзосининг ёши 30 ёшдан ошгач (Иттифоқнинг раҳбар органларига сайланган шахслар бундан истисно);

– Иттифоқ аъзоси томонидан ушбу Уставга зид бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганда;

– Иттифоқ аъзоси бошқа чет давлатининг фуқаролигини олган бўлса;

– Иттифоқ аъзоси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда ёки вафот этганда;

– Иттифоқнинг фаолияти тугатилганда.

4.7. Ёшлар соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, марказлар, клублар ҳамда таъсис ҳужжатлари Иттифоқнинг Устав мақсадлари, вазифалари ва дастурий ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа юридик шахслар Иттифоққа аъзо бўлиши мумкин.

4.8. Юридик шахсларни Иттифоқ аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш Иттифоқ Марказий Кенгаш Ижроия қўмитасининг қарори асосида амалга оширилади.

4.9. Юридик шахсларни Иттифоққа аъзолиги қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

– Иттифоқ аъзоси аризасига кўра;

– Иттифоқ аъзоси томонидан ушбу Уставга зид бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганда;

– юридик шахс ўз фаолиятини тугатганда;

– Иттифоқнинг фаолияти тугатилганда.

4.10. Иттифоқ аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– умумий йиғилишлар, конференциялар, Қурултой, Иттифоқнинг раҳбар органлари йиғилишлари ва Иттифоқнинг босма даврий нашрларида масалаларни муҳокама қилиш чоғида ўз фикрини эркин ифода этиш;

– шахсан ёки ўз вакили орқали Иттифоқнинг сайланадиган органлари қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

– Иттифоқнинг сайланадиган раҳбар органлари ва назорат-тафтиш органларига сайлаш ва сайланиш;

– Иттифоқ органлари фаолияти тўғрисида маълумотлар олиш, ўзларига таааллуқли бўлган масалаларни муҳокама қилишда Иттифоқ органлари фаолиятида иштирок этиш ва фикр билдириш;

– Иттифоқ фаолиятида Устав доирасида иштирок этиш, Иттифоқнинг ҳар қандай раҳбар органига ариза ва таклифлар билан мурожаат этиш.

4.11. Иттифоқ аъзоларининг асосий мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

– Иттифоқнинг Устав мақсадларини амалга оширишда қатнашиш;

– ёшлар ўртасида ва жамиятда Иттифоқнинг таъсири ва нуфузини ошириш;

– Иттифоқ раҳбар органлари, бошланғич ташкилотларнинг умумий йиғилишлари, шунингдек Кенгаши йиғилишлари қарорларини бажариш;

– Иттифоқнинг бошланғич ташкилоти фаолияти ва Иттифоқнинг барча йўналишларида фаол иштирок этиш.



## V БОБ. ИТТИФОҚНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

5.1. Иттифоқнинг раҳбар органларига қуйидагилар киради:

– Қурултой;

– Марказий Кенгаш;

– Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси;

– Марказий назорат-тафтиш комиссияси.

5.2. Қурултой Иттифоқнинг олий раҳбар органи ҳисобланади. Марказий Кенгаш ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботларини тинглаш, улар бўйича қарорлар қабул қилиш мақсадида ҳисобот Қурултойи бир йилда камида бир марта, мазкур Уставда белгиланган бошқа ваколатлари юзасидан ваколатли Қурултой беш йилда камида бир марта чақирилади. Қурултойни чақириш тўғрисидаги қарор Марказий Кенгаш йиғилиши томонидан қабул қилинади. Қурултойни чақириш тўғрисидаги қарор Марказий Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган деб ҳисобланади. Уни чақириш тўғрисидаги қарор ва кун тартиби Қурултойдан камида икки ҳафта олдин эълон қилинади.

5.3. Қурултойнинг навбатдан ташқари мажлиси Марказий Кенгаш йиғилишининг қарори, шунингдек, Марказий назорат-тафтиш комиссияси томонидан ёки Иттифоқ аъзоларининг камида ўн фоизи талабига кўра чақирилиши мумкин.

5.4. Қурултой Иттифоқ фаолиятига дахлдор бўлган барча масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Қурултой ваколатига қуйидагилар киради:

– Иттифоқнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

– Иттифоқни қайта ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

– Марказий Кенгаш ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботларини тинглаш, улар бўйича қарорлар қабул қилиш;

– Марказий Кенгаш ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси таркибини сайлаш;

– Марказий Кенгаш раиси ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси раисини беш йил муддатга сайлаш.

Уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Иттифоқни қайта ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш бўйича қарорлар улар учун Қурултой делегатларининг учдан икки қисми овоз берганда қабул қилинган деб ҳисобланади. Бошқа масалалар бўйича қарорлар улар

учун Қурултой делегатларининг кўпчилиги овоз берган тақдирда қабул қилинган деб ҳисобланади.

Қурултой унинг ишида сайланган делегатларнинг учдан икки қисми қатнашган тақдирда, қарор қабул қилишга ваколатли деб ҳисобланади.

Қурултой делегатлари ҳудудий Кенгашлар конференцияларида сайланади. Қурултойга сайланадиган делегатларнинг вакиллик нормаси, сайлаш тартиби, Қурултой кун тартиби ва унинг ўтказилиш санаси Марказий Кенгаш йиғилиши томонидан белгиланади.

5.5. Марказий Кенгаш Қурултойлар оралиғида Иттифоқнинг раҳбар органи ҳисобланади ва олтмиш бир кишидан кам бўлмаган таркибда 5 йил муддатга сайланади.

5.5.1. Марказий Кенгаш таркибига эгаллаб турган лавозимларига мувофиқ Марказий Кенгаш раиси, унинг ўринбосарлари, Марказий Кенгаш аппарати молия-иқтисод, ташкилий-кадрлар бўлими мудирлари, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти директори, Иттифоқ муассислигидаги марказий газеталар бош муҳаррири, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ёшлар" телерадиоканали" акциядорлик жамияти директори ва ҳудудий кенгашларнинг раислари киради.

Марказий Кенгаш таркиби турли соҳаларда, жумладан, таълим, фан, маданият ва санъат, оммавий ахборот воситалари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик ва фермерлик, спорт, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида, Қуролли кучлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа турли ташкилотларда банд бўлган ёшларни ўз ичига қамраб олувчи ёшларнинг турли тоифалари ҳисобидан шакллантирилиши лозим. Шунингдек, Марказий Кенгаш таркибига Иттифоқнинг ҳамкор ташкилотлари вакиллари ҳамда катта тажрибага эга бўлган шахслар киритилиши мумкин.

Марказий Кенгаш таркибига ҳар бир ҳудуддан (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ёшларнинг камида икки нафар вакили киритилиши лозим.

5.5.2. Марказий Кенгаш:

– Қурултой қарорларининг бажарилиши, дастурий мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши, Иттифоқ Устави талабларига риоя этилишини таъминлайди;

– юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун ташкилот номидан фаолият юритади;

– Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси таркибини сайлайди ва унинг аъзолари ваколатларини муддатидан аввал тугатади;

– Марказий Кенгаш раиси, унинг ўринбосарларининг ярим йиллик ва йил якунларига доир ҳисоботларини тинглайди, улар ўртасида



ишлар йўналишларини тақсимлайди, ваколатларини муддатидан олдин тугатади;

– Иттифоқ фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича комиссияларни ва ишчи гуруҳларни тузади, вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботларини тинглайди, якунларга таянган ҳолда тегишли қарорларни қабул қилади;

– Марказий Кенгашнинг йиллик иш режасини тасдиқлайди ҳамда унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни тинглайди ва ҳисобот якунларига таянган ҳолда тегишли қарорларни қабул қилади;

– Иттифоқнинг умумлаштирилган бюджетини, Марказий аппарат бюджетини тасдиқлайди ҳамда уларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни тинглайди ва ҳисобот якунларига таянган ҳолда тегишли қарорларни қабул қилади;

– Иттифоқ Марказий аппарати, ҳудудий ҳамда маҳаллий кенгашлар, Иттифоқ томонидан ташкил қилинган тадбиркорлик тузилмалари, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлган бошланғич ташкилотларнинг ташкилий тузилмасини ва штат бирликларини тасдиқлайди, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартибини, шаклини ва миқдорини белгилайди;

– Иттифоқнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

– Марказий Кенгаш ваколатига кирувчи баъзи вазифаларни Ижроия қўмитаси ихтиёрига ҳавола этиш ҳақида қарорлар қабул қилади;

– Қурултойлар оралиғида зиммасига юклатилган ваколат ва мажбуриятларни бажара олмаган Марказий Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарларини лавозимдан озод қилади ва навбатдаги Қурултойга қадар Марказий Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди, шунингдек навбатдаги Қурултойга қадар Кенгаш аъзоларини Кенгаш таркибидан чиқаради ва Кенгаш аъзолигига сайлайди.

Қонун ҳужжатлари, Устав ва Қурултой қарорига кўра бошқа масалаларни ҳал қилади.

5.5.3. Марказий Кенгаш йиғилиши ҳар олти ойда камида бир марта чақирилади ва аъзоларнинг учдан икки қисми қатнашган тақдирда қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлади. Марказий Кенгаш аъзоларининг кўпчилиги овоз берган тақдирда Марказий Кенгашнинг қарорлари қабул қилинган деб ҳисобланади.

5.6. Иттифоқ фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан тезкор қарорлар қабул қилиш учун Марказий Кенгаш ўз аъзолари таркибидан камида ўн беш кишидан иборат бўлган Ижроия қўмитасини беш йил муддатга сайлайди. Ижроия қўмитасининг таркибига эгаллаб тур-

ган лавозимига кўра Марказий Кенгаш раиси, унинг ўринбосарлари, Марказий Кенгаш аппарати молия-иқтисод бўлими мудири, ташкилий-кадрлар бўлими мудири, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти директори, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ёшлар" телерадиоканали" акциядорлик жамияти директори ва бошқалар киради.

5.6.1. Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси аъзоларининг таркиби Марказий Кенгаш қарори билан белгиланади.

5.6.2. Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси:

– Иттифоқнинг ҳудудий ва бошқа ташкилий бўлимлари, тадбиркорлик тузилмалари, оммавий ахборот воситалари ва унинг тўлиқ муассислигидаги ёки қошидаги бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

– Марказий Кенгаш ваколатига киритилмаган Иттифоқ ва унинг алоҳида бўлинмалари мол-мулкини тасарруф қилиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилади;

– Иттифоқ бўлинмаларини ташкил қилиш ва тугатиш ҳамда уларнинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлашга оид қарорлар қабул қилади;

– ташкилий масалалар юзасидан тезкор қарорлар қабул қилинишини таъминлайди, жорий иш режасини тузади, режалар ва қарорлар ижроси ўрганилишини ташкиллаштиради, ижрочилар ҳисоботларини тинглайди, якунларга таянган ҳолда тегишли қарорларни қабул қилади;

– Иттифоқнинг Дастурида белгилаб қўйилган турли йўналишдаги ишлар бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қарорлар қабул қилади;

– хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, делегацияларни жўнатиш ва қабул қилиш юзасидан қарорлар қабул қилади;

– Марказий Кенгаш йиғилишларини чақиради, кун тартибини белгилайди;

– Иттифоқнинг ҳудудий кенгашлари бюджетлари лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни тасдиқлаш учун тавсия қилади, уларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботларни тинглайди, якунларга таянган ҳолда тегишли қарорларни қабул қилади;

– Иттифоқнинг сайланадиган раҳбарлик органлари штатидаги аппарат ходимларини интизомий жавобгарликка тортади;

– ички меҳнат тартиб-қоидаларини, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;



– Иттифоқнинг ички фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

– Иттифоқ ва унинг бўлинмалари мулкини, маблағларини тақсимлаш ва тасарруф қилиш (ушбу йўналишда Марказий Кенгаш ваколатига киритилган масалалардан ташқари) ҳамда грант, тендер ва бошқа танловларни ўтказиш, шунингдек, қуйи ташкилотлар фаолиятини текширищ юзасидан қарор қабул қилади;

– Иттифоқнинг ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари раҳбар органлари, Ижроия қўмитасининг қонун ҳужжатлари ва Уставга зид бўлган қарорларини бекор қилади;

– Устав мақсади ва вазифаларига эришиш учун тадбиркорлик тузилмаларини таъсис этади, уларнинг фаолиятини назорат қилади ва раҳбарлари тайёрлаган ҳисоботларни тинглайди, якунларга таянган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилади;

– Марказий Кенгаш аппаратининг ишлар бошқарувчиси, бош ҳисобчи, бўлим мудирларини, Марказий Кенгаш тадбиркорлик тузилмалари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва бош ҳисобчиларини лавозимига тасдиқлайди ва лавозимидан озод қилади;

– юқори органларнинг қарорларига оид бошқа масалаларни ҳал этади.

5.6.3. Марказий Кенгаш раиси Ижроия қўмитасининг йиғилишларини чақиради ва ушбу йиғилишларга раислик қилади.

Марказий Кенгаш раиси ўз мажбуриятларини бажара олмаган тақдирда, Марказий Кенгаш Ижроия қўмитасининг қарорига биноан унинг вазифасини ўринбосарларидан бири бажариб туради.

5.6.4. Марказий Кенгаш раисининг вазифалари ҳамда ваколати доирасига қуйидагилар киради:

– Иттифоқ Устави ва Дастури доирасидаги умумий фаолиятни мувофиқлаштиради;

– Иттифоқ ва Марказий Кенгаш номидан ишончномасиз иш кўради, барча юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хорижий ташкилотлар олдида Иттифоқ манфаатларини ифодалайди;

– Марказий Кенгаш, унинг Ижроия қўмитаси, Марказий Кенгаш раиси ўринбосарлари ва аппаратининг фаолиятига раҳбарлик қилади, аппарат ходимларини ишга қабул қилади ва эгаллаб турган лавозимидан озод қилади;

– шартномалар тузади, шу жумладан, меҳнат шартномаларини тузади, ишончномаларни беради, банкларда ҳисоб рақамлари ва бошқа ҳисобларни очади;

- банк, молия ва бошқа ҳужжатларга биринчи имзо ҳуқуқидан фойдаланади, барча ходимлар учун мажбурий бўлган фармойиш берувчи ҳужжатларни чиқаради;

– ўзининг айрим ваколатларини Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори билан белгиланган тартибда йўналишлар бўйича Марказий Кенгаш раиси ўринбосарларига юклатади;

– Иттифоқ фаолияти доирасидаги Марказий Кенгаш ва унинг Ижроия қўмитасининг ваколатига кирмайдиган бошқа масалаларни ҳал қилади.

5.7. Марказий назорат-тафтиш комиссияси Иттифоқнинг марказий назорат қилувчи органи ҳисобланади.

5.7.1. Марказий назорат-тафтиш комиссияси Қурултой томонидан 5 йил муддатга камида ўн бир кишидан иборат таркибда сайланади ва унга ҳисобот беради.

Маҳаллий (ҳудудий) тузилмаларнинг назорат-тафтиш комиссиялари тегишли ҳисобот-сайлов конференциялари томонидан камида беш кишидан иборат таркибда сайланади ва унга ҳисобот беради.

Бунда Иттифоқнинг Марказий назорат-тафтиш комиссияси Иттифоқнинг ва унинг ҳудудий кенгашлари, тадбиркорлик тузилмалари ва Иттифоқнинг оммавий ахборот воситалари фаолиятини назорат ва тафтиш қилиш ҳуқуқига эга. Текширишлар натижаларига кўра, у ўтказилган текширув ҳақида ҳисобот тузади ва кўриб чиқиш ҳамда тегишли қарор қабул қилиш учун Марказий Кенгаш йиғилишига тақдим этади.

5.7.2. Иттифоқнинг Марказий назорат-тафтиш комиссияси ваколатлари доирасига қуйидагилар киради:

– бюджет ижросини, Иттифоқ ва унинг тузилмаларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш;

– мазкур Устав қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш;

– Иттифоқ фаолиятининг молиявий, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларида қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатларини олдини олиш;

– ушбу Уставга ёки Иттифоқ Қурултойи қарорларига мос бўлмаган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши, қуйи сайланадиган органлари ва назорат-тафтиш комиссияларининг қарорларини тўхтатиш ҳақида тавсиялар бериш;

– Иттифоқ аъзолари мурожаатларини кўриб чиқиш;

– Иттифоқнинг молиявий-хўжалик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш;

– Қурултой қарорларига биноан бошқа ваколатларни бажариш.

5.7.3. Молиявий-хўжалик фаолияти текширилганда барча мансабдор шахслар ва штатдаги ходимлар Марказий назорат-тафтиш комиссияси талабига биноан унга зарур ҳужжатларни тақдим этади.

5.7.4. Назорат-тафтиш комиссиялари аъзолари Иттифоқнинг тегишли сайланадиган раҳбар органи аъзоси бўла олмайдилар. Иттифоқнинг



тегишли сайланадиган раҳбар органлари аъзолари айни пайтда назорат-тафтиш комиссияси аъзоси бўла олмайдилар.

5.7.5. Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзолари Иттифоқ раҳбар органларининг барча даражадаги йиғилишларида маслаҳат овози билан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

5.7.6. Марказий назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятини мазкур Устав, Қурултой қарорлари ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом асосида амалга оширади.

## VI БОБ. ИТТИФОҚНИНГ ТУЗИЛМАСИ

6.1. Иттифоқнинг тузилмасига қуйидагилар киради:

– Иттифоқнинг Марказий аппарати;

– Иттифоқнинг ҳудудий тузилмалари;

– Иттифоқнинг маҳаллий тузилмалари;

– Иттифоқнинг бошланғич ташкилотлари;

– Иттифоқнинг тўлиқ муассислигидаги ёки қошидаги корхона, ташкилот ва муассасалар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари.

Шунингдек, Иттифоқ ва унинг алоҳида бўлинмалари қошида тегишли равишда болалар йўналиши бўйича фаолият олиб борувчи “Камалак” шўъбалари (кейинги ўринларда “Камалак” болалар ташкилоти ва унинг бўлинмалари деб аталади) ташкил қилинади. “Камалак” болалар ташкилоти ва унинг бўлинмалари Иттифоқнинг алоҳида бўлинмаси ҳисобланмайди. Улар Иттифоқ ва унинг алоҳида бўлинмаларининг шўъбаси ҳисобланади.

Иттифоқ белгиланган тартибда ўзининг даврий нашрлари, ноширлик-матбаа корхоналари, кадрлар малакасини ошириш марказлари, тадбиркорлик тузилмаларини ҳамда ўзининг таъсис ҳужжатлари асосида фаолият юритадиган бошқа муассасаларни ташкил этиши мумкин.

6.2. Маҳаллий ва ҳудудий кенгашлар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ тузилади.

6.2.1. Иттифоқнинг якка тартибдаги аъзолари иш, ўқиш ва хизмат жойларида тузилиши мумкин бўлган Иттифоқнинг бошланғич ташкилотларига бирлашадилар.

6.2.2. Иттифоқнинг бошланғич ташкилотлари камида беш нафар Иттифоқ аъзоси (хайрихоҳ ёшлар) мавжуд бўлганда, уларнинг йиғилиши қарорига кўра туман ёки шаҳар кенгашлари розилиги билан тузилади.

6.2.3. Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори билан Иттифоқнинг бошланғич ташкилотларига юридик шахс мақоми берилиши мумкин. Мазкур масалани кўриб чиқишда биринчи навбатда унинг молиявий ва бошқа имкониятлари ҳисобга олинади.

Бошланғич ташкилотларга юридик шахс мақомини бериш тартиби алоҳида локал меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади.

6.2.4. Иттифоқ бошланғич ташкилотининг бошланғич ташкилот миқёсидаги юқори раҳбар органи унда ҳисобда турган тегишли аъзоларнинг Умумий йиғилиши ёки Ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳисобланади.

Умумий йиғилиш тегишли бошланғич ташкилотдаги Иттифоқ аъзолари сони юз нафардан ошмаган бошланғич ташкилотларда бир йилда камида икки маротаба ўтказилади ҳамда унда бошланғич ташкилот ҳисобида турган аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши Иттифоқ аъзолари сони юз нафардан ошган бошланғич ташкилотларда бир йилда бир маротаба ўтказилиб (олий таълим муассасалари бундан мустасно), унда бошланғич ташкилот ҳисобида турган Иттифоқ аъзолари орасидан сайланган вакиллар (делегатлар) иштирок этади.

Олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилиши камида икки ярим йилда бир маротаба ўтказилади.

6.2.5. Умумий йиғилиш ваколатлари қуйидагилардан иборат:

– бошланғич ташкилот умумий фаолиятига оид қарорлар қабул қилиш;

– бошланғич ташкилотнинг ярим йиллик ва йиллик умумий фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш ва баҳолаш;

– бошланғич ташкилот етакчисини икки ярим йил муддатга сайлаш;

– бошланғич ташкилотнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш;

– жисмоний шахсларни Иттифоқ аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш;

– Иттифоқнинг юқори ташкилотлари белгилаган квотага асосан уларнинг конференцияларига делегатлар сайлаш;

– бошланғич ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

6.2.6. Ҳисобот-сайлов йиғилиши ваколатлари қуйидагилардан иборат:

– бошланғич ташкилотнинг ўтган даврдаги умумий фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш ва баҳолаш;

– бошланғич ташкилот Кенгаши аъзолари ва етакчисини икки ярим йил муддатга сайлаш;

– бошланғич ташкилотнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш;

– Иттифоқнинг юқори ташкилотлари белгилаган квотага асосан уларнинг конференцияларига делегатлар сайлаш;



– бошланғич ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

6.2.7. Юз нафардан ортиқ аъзоси мавжуд бўлган бошланғич ташкилотда унинг Ҳисобот-сайлов йиғилиши томонидан камида етти кишидан иборат таркибда Кенгаш сайланади. Кенгаш мажлислари икки ойда камида бир марта ўтказилади.

6.2.8. Бошланғич ташкилот Кенгаши ваколатлари ва вазифалари доирасига қуйидагилар киради:

– ҳисобот-сайлов йиғилишини чақириш, унинг қарорлари ижросини таъминлаш;

– юқори ташкилотлардан келган топшириқ ва тавсияларни кўриб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

– Кенгаш аъзолари ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш ва ҳисоботларини тинглаш;

– бошланғич ташкилотнинг қуйи тузилмаларини ташкил этиш, фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

– жисмоний шахсларни Иттифоқ аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш;

– бошланғич ташкилот иш режаси ва кундалик фаолиятига оид масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш;

– аъзоларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир масалаларни кўриб чиқиш ҳамда муассаса раҳбарияти ва юқори ташкилотларга таклифлар билдириш;

– муайян муваффақиятларга эришган аъзолар ва сардорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;

– бошланғич ташкилот аъзолари ўртасида кўрик-танловлар, мусобақалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.

6.2.9. Бошланғич ташкилот фаолиятига Етакчи раҳбарлик қилиб, унинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

– бошланғич ташкилотга раҳбарлик қилиш;

– бошланғич ташкилотдаги аъзолари орасидан йўналиш сардорлари (координаторлар)ни тайинлаш;

– таълим муассасаси (ташкилот, корхона) маъмурияти, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмаси ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролар билан ўзаро муносабатларда бошланғич ташкилот номидан иш юритиш.

6.2.10. Юридик шахс мақомига эга бошланғич ташкилотнинг етакчиси – раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– бошланғич ташкилот номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш;

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

– бошланғич ташкилотнинг мол-мулкини ваколати доирасида бошқариш;

– бошланғич ташкилот номидан шартномалар, шу жумладан, хўжалик шартномалари ва меҳнат шартномаларини тузиш;

– ишончномалар бериш;

– банкларда ҳисоб рақамлари ёки бошқа рақамлар очиш, барча банк, молиявий ва бошқа ҳужжатларга биринчи имзо ҳуқуқидан фойдаланиш;

– бошланғич ташкилот штатидаги барча ходимлар учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, фармойишлар қабул қилиш;

– ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва мазкур Уставга зид бўлмаган ҳаракатларни амалга ошириш.

6.3. Иттифоқ маҳаллий ва ҳудудий Кенгашнинг тегишли ҳудуд миқёсидаги юқори раҳбар органи икки ярим йилда камида бир марта ўтказиладиган Конференция ҳисобланади. Конференция тегишли маҳаллий ёки ҳудудий Кенгаш йиғилиши томонидан чақирилади. Конференцияларга сайланадиган делегатларнинг вакиллик нормаси, сайлаш тартиби ва муддатлари Иттифоқнинг тегишли кенгашлари йиғилиши томонидан белгиланади.

Ҳудудий Кенгаш конференцияси қатнашчилари-делегатлари таркиби маҳаллий Кенгаш Конференцияси томонидан сайланган делегатлар ва ҳудудий Кенгаш йиғилиши томонидан аъзоликка қабул қилинган юридик шахслар вакилларидан иборат бўлади. Бунда, ҳудудий Кенгаш йиғилиши томонидан аъзоликка қабул қилинган юридик шахслар вакиллари меъёри ҳудудий Кенгаш йиғилиши томонидан белгиланади.

Маҳаллий Кенгаш конференцияси қатнашчилари-делегатлари таркиби бошланғич ташкилотнинг юқори раҳбар органи томонидан сайланган делегатлар ва маҳаллий Кенгаш йиғилиши томонидан аъзоликка қабул қилинган юридик шахслар вакилларидан иборат бўлади. Бунда, маҳаллий Кенгаш йиғилиши томонидан аъзоликка қабул қилинган юридик шахслар вакиллари меъёри маҳаллий Кенгаш йиғилиши томонидан белгиланади.

6.3.1. Маҳаллий ёки ҳудудий Кенгаш Конференцияси:

– тегишли Кенгашнинг ҳисобот даври учун ҳисоботини тинглайди ва тасдиқлайди;

– тегишли Кенгашнинг келажакдаги фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

– тегишли Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тинглайди ва тасдиқлайди;

– тегишли Кенгаш йиғилишининг камида йигирма бир нафар кишидан иборат ва назорат-тафтиш комиссиясининг камида беш кишидан иборат таркибларини икки ярим йил муддатга сайлайди;



– тегишли Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарларини икки ярим йил муддатга сайлайди;

– ваколати доирасига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

6.3.2. Иттифоқнинг ҳудудий ва маҳаллий Кенгашига Конференциялар оралиғидаги даврга сайланадиган тегишли Кенгаш йиғилиши раҳбарлик қилади. Кенгашнинг йиғилишлари олти ойда камида бир марта ўтказилиб, тегишли Кенгаш раиси томонидан чақирилади.

6.3.3. Иттифоқнинг маҳаллий ёки ҳудудий кенгашлари йиғилишининг ваколатлари ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

– юқори турувчи органлар томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан қарорлар қабул қилиш;

– тегишли Кенгаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва ишини ташкил этиш мақсадида ўз аъзолари таркибидан комиссиялар ва ишчи гуруҳлар тузиш, ўз аъзолари ўртасида фаолият йўналишларини тақсимлаш, уларнинг ижроси бўйича ҳисоботлар эшитиш ҳамда якунлари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш;

– Иттифоқ марказий аппарати билан келишган ҳолда тегишли маҳаллий ёки ҳудудий кенгашлар раисларини зарурат бўлганда конференциялар оралиғида сайлаш;

– Иттифоқ марказий аппарати билан келишган ҳолда тегишли Кенгаш аппарати бўлимлари мудирларини, Иттифоқ қарамоғидаги ташкилотлар (корхоналар, муассасалар) раҳбарларини лавозимига тасдиқлаш ва лавозимидан озод қилиш;

– Кенгашнинг йиллик иш режасини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш, тегишли қарорларни қабул қилиш;

– Кенгаш бюджетини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш, тегишли қарорларни қабул қилиш;

– Иттифоққа жамоа тарзида аъзоларни қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш;

– юқори турувчи органлар қарорига мувофиқ ваколати доирасига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

6.3.4. Иттифоқнинг алоҳида бўлинмалари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари, уларни ташкил этиш ва тугатиш тартиби ҳамда раҳбар органлари бўйича қоидалар уларнинг Низомида батафсил равишда қайд қилинади.

6.3.5. Иттифоқнинг маҳаллий ёки ҳудудий Кенгаши йиғилишига тегишли Кенгаш раиси раҳбарлик қилади.

## VII БОБ. ИТТИФОҚНИНГ МУЛКИ ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

7.1. Иттифоқ ўз тасарруфида бинолар, иншоотлар, уй-жойлар, ускуналар, анжомлар, миллий ва хорижий валютадаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқлари объектлари, ташкилотларга (корхона ва муассасаларга) ва ушбу Уставда кўзда тутилган фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бўлган ва ўз маблағлари ҳисобидан барпо этиладиган бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

7.2. Иттифоқ ва унинг алоҳида бўлинмалари мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

– жисмоний ва юридик, шу жумладан, хорижий шахсларнинг ихтиёрий мулкий бадаллари ва эҳсонлари;

– тадбиркорлик фаолиятидан олинган ва фақат Устав мақсадларини бажариш учун сарфланадиган даромадлар (фойда);

– грант, субсидия, ижтимоий буюртма кўринишидаги давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, хорижий ва халқаро ташкилотлар томонидан ёшларга оид дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун мақсадли келиб тушадиган маблағлар;

– Иттифоқнинг босма нашрларидан тушадиган маблағлар;

– қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

7.3. Иттифоқнинг ва у тузган тузилмаларнинг тадбиркорлик ҳамда бошқа фаолиятидан олинган даромадлари фақат Уставда белгиланган фаолиятга сарфланади ва Иттифоқ аъзолари, иштирокчилари ва ходимлари ўртасида тақсимланмайди.

7.4. Иттифоқнинг мулки бўлинмасдир. Иттифоқ номидан мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини Марказий Кенгаш ўзининг Ижроия қўмитаси орқали амалга оширади. Иттифоқнинг маҳаллий ва ҳудудий кенгашлари, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган бошланғич ташкилотлари, қарамоғидаги ташкилотлар (корхона ва муассасалар) Иттифоқнинг мол-мулкини ўз тасарруфидан Марказий Кенгаш Ижроия қўмитасининг тегишли қарорисиз мустақил равишда чиқаришга ҳақли эмас.

7.5. Иттифоқнинг маҳаллий ва ҳудудий кенгашлари ўзларига Марказий Кенгаш томонидан бириктириб қўйилган мулкни оператив бошқариш ҳуқуқини амалга оширади.

## VIII БОБ. ИТТИФОҚДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

8.1. Иттифоқнинг маҳаллий кенгашлари белгиланган шаклда ҳар ойлик молиявий ҳисобот ва тасдиқланган иш режанинг бажарилиши



юзасидан ҳисоботни кейинги ойнинг 10-санасига қадар ҳудудий кенгашларга бериб борадилар.

8.2. Иттифоқнинг ҳудудий кенгашлари белгиланган тартибда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши аппаратига ҳар чораклик молиявий ҳисобот ва тасдиқланган иш режанинг бажарилиши юзасидан ҳисоботни кейинги чорак биринчи ойининг 15-санасига қадар бериб борадилар.

8.3. Иттифоқ ўз фаолияти натижаларини ҳисобга олиб боради ва уларни белгиланган тартибда рўйхатга олувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этади.

## IX БОБ. ИТТИФОҚ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Иттифоқ Уставига Қурултой қарори асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

9.2. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг, Иттифоқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайта давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

## X БОБ. ИТТИФОҚНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

10.1. Иттифоқни қайта ташкил этиш Қурултой ёки суднинг қарорига мувофиқ қўшилиш, бирлашиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгариш йўли билан амалга оширилади.

10.2. Иттифоқни тугатиш Қурултой ёки суднинг қарорига биноан амалга оширилади.

10.3. Иттифоқни тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

10.4. Иттифоқ тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китоб якунлангандан сўнг, ортиб қолган мол-мулк ушбу Устав мақсад ва вазифалари йўлида, хайрия мақсадида ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мақсадларда сарфланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ**
**ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли фармони ва "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги ёшлар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси бўлишига эришиш, таълим сифатини оширишга доир жараёнларни ўрганиш ҳамда муассасада жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Республикадаги барча олий таълим муассасаларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотларини тузиш бўйича ёшлар томонидан билдирилган ташаббуслар Иттифоқнинг маҳаллий кенгашлари ҳамда олий таълим муассасалари раҳбарлари томонидан тўла қўллаб-қувватлангани инобатга олинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари тўғрисидаги низоми 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ёшлар етакчисига Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари фаолиятига раҳбарлик қилиш, тузилма номидан иш юритиш ва мажбуриятлари бўйича жавобгарлик юклатилсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари учун олий таълим муассасаси биносидан камида 2 та хона ажратиш ҳамда зарурий моддий-техник база билан таъминлаш (Ёшлар иттифоқининг Кенгаш йиғилишлари ва бошқа тадбирлари "Маънавият хонаси"да ўтказилади);

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти қошидаги тўгарак ва клублар фаолият юритиши учун алоҳида хона ажратиш ва зарур шароит яратиб бериш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти қошидаги тўгарак ва клублар фаолиятини ташкил этишга олий таълим муассасасининг тегишли мутахассислик бўйича ўқитувчи-педагогларини бириктириш ҳамда уларнинг бу борадаги фаолияти ёшлар етакчиси томонидан мувофиқлаштирилишини инобатга олиш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари иш режасида белгиланган чора-тадбирлар ва ёшлар ташаббусларини олий таълим муассасасининг иш режасига киритиш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман (шаҳар), ҳудудий ва республика миқёсидаги танловлари ҳамда мусобақаларида талаба ва педагоглар эришган натижаларни улар ўқиётган ёки ишлаётган олий таълим муассасаси ютуғи сифатида таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш ва рейтингини аниқлашда ҳисобга олиш;

ёшлар етакчисини олий таълим муассасаси Кенгаши аъзолигига киритиш ҳамда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши учун қулай имконият яратиб берилишини таъминлаш;

ёшлар етакчиси олий таълим муассасасидаги профессор-ўқитувчиларни лавозимларига қўйиладиган малака талабларининг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича тартиб ишлаб чиқиш ва амалга киритиш;

ёшлар етакчисини олий таълим муассасасидаги раҳбар кадрлар ва профессор-ўқитувчиларни лавозимга тавсия этиш бўйича тегишли танлов комиссиялари аъзоси сифатида киритиш;

ёшлар етакчисини олий таълим муассасасидаги талабаларни давлат ва номдор стипендияларга тавсия этиш комиссияси таркибига киритиш юзасидан тегишли ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш;

бунда номзодлар ҳужжатларини кўриб чиқишда ёшлар етакчисининг ҳам тавсияси бўлишини лозимлиги тартибини жорий этиш;

ёшлар етакчиси лавозимида фаолият юритаётган кадрларни (илмий даражага эга бўлган тақдирда) олий таълим муассасасининг проректори лавозимига захирага киритиш;

ёшлар етакчиси вазифаси юклатилган ходим олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси этиб белгилаш вазифалари юклатилсин.

5. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, ҳудудий ва маҳаллий кенгашларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли фармони ва "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 18 июндаги ПҚ-3138-сонли қароридан келиб чиқадиган вазифалар, хусусан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мақсад-вазифаларини олий таълим муассасалари ёшлари ўртасида кенг тарғиб этсин ҳамда ёшларда ташкилот фаолиятига хайрихоҳлик хиссини уйғотиш;

республикадаги барча олий таълим муассасаларида Иттифоқ бошланғич ташкилотларининг таъсис йиғилишларини ўтказиб, уларни рўйхатга олиш ҳамда фаолиятини мониторинг қилиб бориш;

бошланғич ташкилотларга уларнинг фаолиятига оид барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида етказиб бериш тизимини яратиш;

бошланғич ташкилотлар фаолиятида фойдаланиладиган тарғибот воситалари, жумладан, тарғибот фильмлари, баннер, стенд, штендер, плакат, буклет, флаер ва бошқаларни тайёрлаш ҳамда жойларга етказиш;

бошланғич ташкилотлар етакчилари фаолиятида қўл келадиган услубий қўлланмалар, тўпламлар, услубий фильмлар ва бошқа материалларни ишлаб чиқиш ҳамда

жойларга етказиш;

бошланғич ташкилот етакчиларининг билим ва кўникмасини оширишга қаратилган маҳаллий, ҳудудий ҳамда республика миқёсидаги ўқув-семинарларини тизимли ташкил этиш;

бошланғич ташкилот етакчиларининг ўзаро тажриба, фикр-мулоҳаза алмашинишга қаратилган форумлар, анжуманлар, конференциялар ҳамда таълим муассасаларига ташрифларни уюштириш;

бошланғич ташкилот етакчиларини ўзаро бирлаштирадиган, ўзини ўзи бошқариш кўникмасини пайдо қилишга хизмат қиладиган марказлар, уюшмалар ва бошқа жамоатчилик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш;

бошланғич ташкилотлар ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кичик ижтимоий грантлар ажратиш;

бошланғич ташкилотлар фаолиятини мунтазам ўрганиб, ёшлар масалалари бўйича маҳаллий, ҳудудий ва республика идоралараро кенгашлари йиғилишларида муҳокама қилиб бориш;

ёшлар етакчисини Иттифоқнинг маҳаллий кенгаши раиси лавозими учун кадрлар захирасига киритиш;

ёшлар етакчиси ва етакчилар кенгаши аъзоларини рағбатлантиришга қаратилган танловлар ва мусобақалар ташкил этиш, уларни давлат мукофотларига тавсия этишни тизимли йўлга қўйиш вазифалари юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг "Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2012 йил 19 ноябрдаги 15, 58/88 ва 01-04/92-сонли қўшма қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Д.Набиев ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари М.Зуфаров зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири** — **И.Мажидов**

Тошкент ш.,
2017 йил 22 август
39-К/К-сон

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси** — **Қ.Куранбаев**

Тошкент ш.,
2017 йил 22 август
10К/К-сон



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгашининг
2017 йил "22" августдаги
39-К/Қ ва 10К/Қ-сон қарорига
1-илова

## Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари тўғрисида

## НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини тартибга солади.

2. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти *(кейинги ўринларда бошланғич ташкилот деб юритилади)* Иттифоқнинг мақсад-вазифаларини олий таълим муассасаси миқёсида амалга оширадиган, таълим муассасаларидаги талабалар ва ёш ўқитувчиларни ўз атрофида бирлаштирадиган, уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган энг қуйи тузилма ҳисобланади.

3. Бошланғич ташкилот олий таълим муассасасининг Ёшлар иттифоқи мақсад-вазифаларига хайрихоҳ бўлган камида беш нафар ёшларининг ташаббуси билан тузилади ҳамда Иттифоқнинг маҳаллий кенгашлари томонидан рўйхатга олинади.

4. Бошланғич ташкилотлар олий таълим муассасаларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаолиятини амалга оширади.

5. Олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлар ўзлари жойлашган ҳудуддаги Иттифоқнинг маҳаллий кенгашларига бирлашади.

6. Бошланғич ташкилотлар ёшлар етакчиси ва етакчилар кенгаши аъзоларининг фаолият йўналиши, қизиқиши ҳамда ёшларнинг талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, Иттифоқнинг маҳаллий ва ҳудудий кенгашлари қошида ўз ташкилотлари *(уюшмалар, марказлар, клублар, тўгараклар ва бошқалар)*ни тузиш ташаббусини билдириши ёки мавжуд ташкилотларга ихтиёрий қўшилиши мумкин.

7. Бошланғич ташкилотлар фаолияти Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли маҳаллий кенгашлари ҳамда олий таълим муассасаси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

8. Бошланғич ташкилот ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Устави, олий таълим муассасаси фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мазкур Низом асосида амалга оширади.

## II. Бошланғич ташкилотнинг мақсад ва вазифалари

9. Бошланғич ташкилотнинг асосий мақсади таълим муассасаларида ёшларнинг таълим-тарбия олиши учун муносиб шароит яратиб беришга кўмаклашиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳар томонлама баркамол шахслар бўлиб етишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

10. Бошланғич ташкилот ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига миллий истиқлол ғояси, миллий қадриятлар, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва оилавий қадриятларни чуқур сингдириш;

- ёшларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгиланган фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини англатиш, уларга мамлакатда амалга оширилаётган демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш;

- олий таълим муассасаси ёшларининг муаммолари, таълим сифати, фанларни ўзлаштириш даражаси, давомати, дарсликлар ва кутубхонадан фойдаланиш даражасини ўрганиб бориш, ёшлар мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда кўмаклашиш;

- ёшларнинг чуқур билим олиши, чет тилларини ўрганиши ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллаши ҳамда уларни касб-ҳунарга йўналтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган ишларни амалга ошириш, интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашадиган клуб ва тўгараклар фаолиятини ташкил этиш;

- имконияти чекланган ҳамда махсус эҳтиёжли ёшларнинг инклюзив таълим олиши учун қулай шароит яратишга қаратилган ишларни қўллаб-қувватлаш;

- нотинч оила фарзандлари, тарбияси оғир ва носоғлом муҳитга тушиб қолган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви ҳамда дарсларни мунтазам қолдириб келаётган талабаларни таълим жараёнига қайтариш, қизлар ўртасида эрта никоҳларнинг олдини олиш бўйича тизимли ишлар олиб бориш;

- ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий-тарбиявий ишларни амалга ошириш;

- ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, уларнинг китобга бўлган муҳаббатини ошириш ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш;

- ёшларда "оммавий маданият" ниқоби остидаги зарарли иллатлар, ахборот хуружлари, диний ақидапарастлик, миссионерлик ва экстремистик ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;



- олий таълим муассасаси ёшлари ўртасида ёшлар туризмини ривожлантириш, уларнинг ўзлари яшаётган ҳудуддаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, музейлар, театрлар, мустақиллик даврида барпо этилган иншоотларга ташрифини уюштириш;

- ёшлар, айниқса, қиз болалар ўртасида спортни кенг тарғиб этиш, уларнинг спортга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш ва турли спорт мусобақаларида иштирок этиши учун зарур шароитларни яратиб бериш;

- ёшларга тиббий маданият, хусусан, касалликлардан ҳимояланиш йўлларини кенг тушунтиришга қаратилган тарғибот тадбирларини ташкил этиш;

- ёшлар ўртасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тарғиб қилиш орқали уларда экологик маданиятни юксалтириш, экологик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.

## III. Бошланғич ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Бошланғич ташкилотнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- олий таълим муассасаси ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ўқув, тарбия ва бошқа жараёнларда иштирок этиш, масъул ходимлар ва ўқитувчилардан зарур маълумотларни олиш ҳамда назорат қилиш;

- олий таълим муассасасидаги дарслар сифати, ўқитувчилар савияси ва талабалар билан муносабати, шунингдек, кутубхона, спорт объектлари фаолиятини ўрганиш, рейдлар, ижтимоий сўровлар ўтказиш;

- олий таълим муассасасидаги шароитлардан тўла фойдаланиш, ёшлар иштирокида тўгараклар, клублар ташкил этиш, иш режадаги чора-тадбирларнинг олий таълим муассасаси томонидан молиялаштирилишини талаб этиш;

- олий таълим муассасаси ёшларининг муаммолари, таклиф-ташаббуслари юзасидан олий таълим муассасаси ректори ва юқори ташкилотларга таклифлар киритиш;

- низомда белгиланган тартибда олий таълим муассасасида қўшимча тузилмаларини ташкил этиш;

- фаолиятига доир маълумотларни тарқатиш ва тарғиб этиш.

Бошланғич ташкилот тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

12. Бошланғич ташкилотнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ёшлар иттифоқи ҳамда олий таълим муассасаси томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида фаолият юритиш, уларда белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилиш;

- Ёшлар иттифоқининг маҳаллий, ҳудудий ва республика кенгашлари, олий таълим муассасаси кенгаши ҳамда раҳбариятининг тегишли топшириқлари ва кўрсатмаларини бажариш;

- Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши ҳамда олий таълим муассасаси раҳбарига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботларни ўрнатилган тартибда тақдим этиб бориш;

- бошланғич ташкилот учун ажратилган хоналар, моддий-техник воситалар ва маблағлардан тўғри фойдаланиш;

- олий таълим муассасасининг ўқув, тарбия ва бошқа ишларига кўмаклашиш.

IV. Бошланғич ташкилотнинг ташкилий тузилиши

13. Бошланғич ташкилотнинг ташкилий тузилмасига қуйидагилар киради:

- ёшлар етакчиси сайлови;
- умумий йиғилиш;
- ёшлар кенгаши (ёшлар етакчиси, ёшлар кенгаши етакчилари);
- факультет ёшлар кенгаши;
- гуруҳ етакчиси;
- талабалар турар жойи, меҳнат жамоасидаги етакчи;
- бошланғич ташкилот қошидаги тузилмалар (тўгараклар, клублар ва бошқалар).

14. Ёшлар етакчисининг сайлови ҳар ўқув йили боши (сентябрь ойи) да ўтказилади.

15. Умумий йиғилиш фаолияти тартиби:

- Иттифоқ бошланғич ташкилотларнинг раҳбар органи ҳисобланади;
- умумий йиғилиш ҳар чоракда бир марта ўтказилади;
- умумий йиғилишда ёшлар кенгаши, факультет кенгаши, гуруҳ етакчилари ва Иттифоқ аъзолари иштирок этади.

16. Ёшлар кенгашининг фаолияти тартиби:

- ёшлар кенгаши ижрочи орган бўлиб, бошланғич ташкилот мақсад-вазифалари ва режаларининг тўлиқ бажарилишини таъминлайди;
- ёшлар кенгаши таркиби ёшлар етакчиси сайлангандан кейин ўтказиладиган дастлабки умумий йиғилишда ёшлар етакчиси томонидан эълн қилинади;
- ёшлар кенгаши фаолиятига ёшлар етакчиси раҳбарлик қилади.

17. Ёшлар кенгашини шакллантириш тартиби:

- Ёшлар кенгаши Ёшлар иттифоқининг ўзини ўзи бошқарувчи органи ҳисобланади;
- ёшлар кенгаши факультет, олий таълим муассасаси, ҳудудий ва республика миқёсида сайланади ҳамда фаолият олиб боради;



- етакчи ўз йўналиши бўйича олий таълим муассасаси, ҳудудий ҳамда республика ёшлар кенгашига фақат бир йўналишда етакчилик қилиш ҳуқуқига эга бўлади;
- гуруҳларда фақат 1 (бир) нафар ёшлар етакчиси фаолият юритади.

18. Ёшлар кенгаши аъзолари муассиснинг Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

19. Ёшлар етакчиси лавозимига кўрилаётган номзодлар:

- 35 (ўттиз беш) ёшдан ошмаган, ёшлар билан ишлаш амалиётига эга;
- етакчилик қобилияти, нотиқлик маҳорати, ташаббускорлик ва фидойилик хусусиятларига;
- бошқарув қобилияти, ташкилотчилик, жамоат билан ишлаш ва иш юритиш бўйича билим-кўникма ҳамда муайян иш тажрибасига;
- замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш бўйича малакага;
- ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилувчи бузғунчи ғоя ва мафкуралар, маънавий таҳдидлар, зарарли иллатлар ҳақида етарли тасаввурга;
- мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар, ёшларга оид давлат сиёсати ва таълим-тарбия жараёнига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ёшлар иттифоқи фаолият тартиби тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим.

20. Ёшлар етакчисининг фаолияти тартиби:

- ёшлар етакчиси бошланғич ташкилот фаолиятининг самарали ташкил этилишини мувофиқлаштиради, факультет ёшлар кенгашлари ва гуруҳ ёшлар етакчилари фаолиятига раҳбарлик қилади, тизимдаги барча етакчилар фаолиятига услубий кўмак кўрсатади, аъзоларнинг таклиф-ташаббусларини қўллаб-қувватлайди;
- ёшлар етакчиси Ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасасидаги бошланғич ташкилоти фаолиятига раҳбарлик қилади;
- олий таълим муассасаси ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади;
- ёшлар масалаларига оид давлат қарорлари ва дастурлари ижросини таъминлайди;
- бошланғич ташкилот фаолиятини ташкил этади ва унинг номидан иш юритади;
- бошланғич ташкилот таркибидаги тўгараклар, клублар ва бошқа тузилмалар ишини бошқаради;
- юқори ташкилотлар ва олий таълим муассасаси раҳбарига бошланғич ташкилот фаолияти юзасидан сўралган маълумот, ахборот ва ҳисоботларни тақдим этиб боради;
- бошланғич ташкилот учун белгиланган номенклатура асосида иш юритади, юқори ташкилотлар раҳбарлари ва олий таълим муассасаси ректори топшириқларининг бажарилишини таъминлайди;

- бошланғич ташкилот учун ажратилган хона, моддий-техник воситалар ва маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлайди.

21. Ёшлар етакчиси олий таълими муассасасининг барча Кенгашлари ва ёшлар масаласига оид бошқа комиссияларга аъзо сифатида киритилади.

22. Ёшлар етакчиси Иттифоқнинг маҳаллий кенгаши ва олий таълим муассасаси ректорига тўғридан-тўғри бўйсунади.

23. Бошланғич ташкилот фаолиятини ташкил этиш учун гуруҳлар, талабалар турар жойлари ва меҳнат жамоасида ёшлар етакчиси фаолият юритади.

24. Бошланғич ташкилот тизимида ёшларнинг қизиқиши ва таклиф-истакларидан келиб чиқиб, турли тўгараклар ва тузилмалар ташкил этилиши мумкин.

23. Бошланғич ташкилот қошидаги тузилма (тўгарак, клуб ва бошка)га координаторлар сайланади.

24. Бошланғич ташкилот қошидаги тузилмалар (тўгарак, клуб ва бошқа)га олий таълим муассасасининг тегишли мутахассислик бўйича ўқитувчи-педагоглари жалб этилади ҳамда уларнинг фаолияти ёшлар етакчиси томонидан мувофиқлаштирилади.

## V. Ёшлар етакчисини сайлаш

25. Ёшлар етакчиси сайлови олий таълим муассасалари талабалари, ёш ходимларининг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

26. Ёшлар етакчиси олий таълим муассасасининг талабалари ва ёш профессор-ўқитувчилари орасидан сайланади.

27. Ёшлар етакчиси лавозимига номзод ҳужжатларини ҳар ўқув йилининг 10 сентябрь кунига қадар олий таълим муассасаси раҳбариятига тақдим этади.

28. Номзодларга сайловолди ташвиқотни олиб бориш учун 10 кун (ўн кун) муддат (11 сентябрдан 20 сентябргача) берилади. Номзодлар бу вақт оралиғида сайловчиларни ўз дастурлари билан таништиради.

29. Ёшлар етакчиси сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш очиқ ва ошкора тарзда амалга оширилади.

30. Сайловолди ташвиқоти сайлов кунидан бир кун олидн тўхтатилади.

31. Сайловлар 22 ёки 23 сентябрь куни соат 8:00 дан соат 18:00 гача ўтказилади.

32. Сайловда сайловчиларнинг нисбатан кўп овозини тўплаган номзод ёшлар етакчиси этиб сайланган ҳисобланади.

33. Сайловчиларнинг 33 (ўттиз уч) фоизидан ками қатнашган сайлов ўтмаган деб топилади.



34. Ёшлар етакчиси сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, шунингдек, агар ёшлар етакчиси сайловида битта номзод иштирок этган бўлса ва у зарур миқдорда овоз тўплай олмаган бўлса, такрорий сайлов ўтказилади. Такрорий сайлов ушбу Низомда асосий сайловни ўтказиш учун белгиланган тартибда ҳамда ундаги шартларга риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилганидан кейин 10 (ўн кун) кун ичида ўтказилади.

35. Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганини ёритиб бориши мумкин.

36. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш жойларида ва овозларни ҳисоблаш жараёнида матбуот, телевидение ва радио вакиллари қатнашиш ҳуқуқига эга.

37. Ёшлар етакчиси сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот сайлов кунидан кечиктирмай эълон қилинади.

## VI. Бошланғич ташкилот фаолиятини моддий қўллаб-қувватлаш

38. Олий таълим муассасаси томонидан бошланғич ташкилот алоҳида хона, иш столи ва стуллар, жавонлар, компьютер жамланмаси, принтер, проектор, экран, рақамли фотоаппарат, флипчарт ҳамда зарурий девонхона моллари билан таъминланади.

39. Бошланғич ташкилотнинг иш режасида белгиланган чора-тадбирлар олий таълим муассасасининг иш режасига киритилади.

40. Бошланғич ташкилот фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, услубий қўлланмалар ва тарқатма материаллар билан Ёшлар иттифоқи томонидан таъминланади.

## VII. Бошланғич ташкилот фаолиятини тўхтатиш

41. Бошланғич ташкилот фаолиятини тўхтатишга асосли сабаблар бўлса унинг фаолияти умумий йиғилиш қарори билан ўрнатилган тартида тугатилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий
Кенгашининг 2017 йил “22” августдаги
39-Қ/Қ ва 10Қ/Қ-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасасидаги бошланғич ташкилоти**
**ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**




“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Давлат маслаҳатчиси –
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгаши раиси, Республика
идоралараро кенгаши раисининг
ўринбосари
_________ К.Курaнбаев
2017 йил 30 ноябрь

**Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши мажлисининг**
**БАЁНИ 6**

2017 йил 30 ноябрь — Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:** К.Куранбаев – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси, Республика идоралараро кенгаши раиси ўринбосари

**Иштирок этганлар:** вазирлик, ташкилот ва идоралар раҳбарлари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**
**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларидаги бошланғич ташкилотларида самарали меҳнат қилаётган етакчи ва сардорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда уларни рағбатлантириш механизмлари тўғрисида**

*(Куранбаев, Маджидов, Холмухамедов, Иноятов, Куранбаев)*

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3138-сонли қарорининг 10-бандига мувофиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларидаги бошланғич ташкилотларида самарали меҳнат қилаётган етакчи ва сардорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда уларни рағбатлантириш механизмлари бўйича билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, кун тартибидаги масала юзасидан мажлис **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларидаги бошланғич ташкилотларида (кейинги ўринларда бошланғич ташкилот деб юритилади) самарали меҳнат қилаётган етакчи ва сардорлар фаолиятини баҳолаш ва уларни рағбатлантириш бўйича Республика ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларидаги бошланғич ташкилотларида самарали меҳнат қилаётган етакчи ва

сардорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари ва уларни рағбатлантириш механизми низоми (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. **Республика ишчи гуруҳи** (Зуфаров)га:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотларидаги етакчи ва сардорларни рағбатлантиришга тавсия этиш бўйича Иттифоқнинг Марказий Кенгашида Ишчи гуруҳлар шакллантирсин ва фаолиятини йўлга қўйсин;

рағбатлантиришга муносиб деб топилган ҳар бир ҳудуд бўйича етакчи ва сардорларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқарув академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институтининг малака ошириш курсларида ўқишлари учун тавсиянома беришни ташкил қилсин;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотларида самарали меҳнат қилаётган етакчи ва сардорларни мунтазам равишда рағбатлантириб борсин.

3. **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари – Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгаши раислари** рағбатлантиришга муносиб деб топилган етакчи ва сардорларни келажакда ёш раҳбар кадрлар захирасига киритиб бориш тизимини йўлга қўйсин.

4. **Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси** (Халжаев), **Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги** (Кучимов) ва **Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси** (Абдуҳолиқов)га ғолиб деб топилган етакчи ва сардорларнинг намунали иш фаолиятини кенг ёритиб борилиши тавсия этилсин.

5. Мазкур мажлис қарорининг ижросини таъминлаш Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари М.Зуфаровга юклатилсин.



2017 йил 30 ноябрдаги
6-сонли мажлис баёнига
1-илова

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларидаги бошланғич ташкилотларида самарали меҳнат қилаётган етакчи ва сардорлар фаолиятини баҳолаш ва уларни рағбатлантириш бўйича Республика ишчи гуруҳи**
**ТАРКИБИ**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Зуфаров М.М. | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, ишчи гуруҳ раиси |
| 2. | Лавозимига кўра | - | Вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг ўринбосарлари, ишчи гуруҳ аъзолари |
| 3. | Лавозимига кўра | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлар бўйича Республика Етакчилар Кенгаши раислари, ишчи гуруҳ аъзолари |
| 4. | Полвонов Ш.Ф. | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими мудири, ишчи гуруҳ масъул котиби |

2017 йил 30 ноябрдаги
6-сонли мажлис баёнига
2-илова

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларидаги бошланғич ташкилотларида самарали меҳнат қилаётган етакчи ва сардорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари ва уларни рағбатлантириш механизми**

## НИЗОМИ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларидаги бошланғич ташкилотларида (кейинги ўринларда бошланғич ташкилот деб юритилади) меҳнат қилаётган етакчи ва сардорларни рағбатлантириш механизмларини тартибга солади.

2. Ушбу Низом мақсади Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотларидаги етакчи ва сардорлар фаолияти самарадорлигини ошириш, илғор тажрибаларини оммалаштириш, улар ўртасида ҳамкорлик ва ижобий рақобат муҳитини яратиш, фаол, иқтидорли ва ташаббускор етакчи ва сардорларни қўллаб-қувватлашга қаратилади.

3. Самарали меҳнат қилаётган етакчи ва сардорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари ва уларни рағбатлантириш механизми танлов (кейинги ўринларда танлов деб юритилади) шаклида ўтказилади.

4. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш Республика ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади.

### II. Танловни ташкил этиш

5. Танловда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларидаги бошланғич ташкилот етакчи ва сардорлари иштирок этишлари мумкин.

6. Танловда иштирок этиш истагини билдирган бошланғич ташкилот етакчи ва сардорлари белгиланган тартибда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг веб-саҳифаси орқали рўйхатдан ўтган ҳолда Иттифоқнинг маҳаллий Кенгашига ҳужжат топширади.

7. Танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади:

умумий ўрта таълим муассасалари бошланғич ташкилотларидаги ёшлар етакчилари ва сардорлари;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари бошланғич ташкилотларидаги ёшлар етакчилари;



олий таълим муассасалари бошланғич ташкилотларидаги ёшлар етакчилари;

корхона, ташкилот ва муассасалари бошланғич ташкилотларидаги ёшлар етакчилари.

8. Танлов Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотларидаги етакчи ва сардорлари ўртасида 3 (уч) босқичда ташкил этилади:

Биринчи босқич - туман (шаҳар) босқичи:

Бунда бошланғич ташкилот етакчи ва сардорларидан ариза ва ҳужжатлар 15 февраль кунидан 15 март кунига қадар қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган етакчи ва сардорлар томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- Иттифоқнинг туман (шаҳар) Кенгаши раиси номига ариза;
- маълумотнома (объектика);
- расм 3х4 (2 дона);
- етакчилик ва сардорлик фаолияти тўғрисида қисқача маълумотнома;
- етакчи ва сардорнинг фаолияти давомида ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг иқтидорларини намоён этишларига кўмаклашиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойиллиги бўлган ёшлар билан ишлаш борасида амалга оширган ишлари ҳамда оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари акс этган материаллар.

Ушбу ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ҳолларда тавсия этилган танловнинг ҳудудий босқичида иштирок этишига рухсат этилмайди.

Қабул қилинган ҳужжатлар 10 кун муддатда кўриб чиқиш учун Иттифоқнинг ҳудудий Кенгашига тақдим этилади.

Иккинчи босқич - ҳудудий босқичи:

Иккинчи босқич асосий босқич бўлиб, 1 апрель кунидан 1 май кунига қадар ташкил этилиб, бунда бошланғич ташкилот етакчи ва сардорларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш учун ҳудудий Ишчи гуруҳи (намунавий таркиби иловада келтирилган) тузилади ҳамда етакчи ва сардорлар 4 (тўрт) та шарт асосида баҳоланади.

Биринчи шарт – етакчи ва сардорнинг республика ва маҳаллий (ёшларга намуна сифатида) оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари акс этган материаллари тақдим этилади ҳамда қуйидаги тоифаларга ажратилган ҳолда баҳолаб борилади:

республика ва маҳаллий матбуот нашрларидаги ижодий чиқишлари (шу жумладан, етакчи ва сардор фаолияти ёритилган ижодий материаллар);

интернет тармоғидаги расмий сайтлардаги чиқишлари (шу жумладан, бошланғич ташкилотнинг ижтимоий тармоғидаги расмий саҳифаларидаги фаоллиги);

республика ва маҳаллий телевидениеда иштирок этган кўрсатув ва дастурлари;

республика ва маҳаллий радио каналларидаги ижодий чиқишлари.

Иккинчи шарт – етакчи ва сардор ўз фаолияти давомида болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни иқтидорларини рўёбга чиқариш ҳамда бандлигини таъминлаш даражаси:

танлов, олимпиада, спорт мусобақалари ва турли лойиҳаларда ғолибликни қўлга киритган ёшлар сонини ошиб бориши;

таълим муассасаси, корхона ва ташкилот ҳудудидаги уюшмаган ёшлар орасидан иқтидорларни кашф этиш, етакчи ва сардор сифатида турли соҳаларга жалб этиш, шу жумладан, уларнинг бандлигини таъминлаш (амалга оширилган ишлар юзасидан ҳужжатлар тўплами тақдим этилади).

Учинчи шарт – етакчи ва сардорнинг ўз таълим муассасаси, корхона ва ташкилотда амалга оширган инновацион лойиҳалари (лойиҳанинг ҳужжатлар тўплами тақдим этилади) юзасидан тақдимот.

Тўртинчи шарт – етакчи ва сардорнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ҳозиржавоблик ва ёшлар сиёсати масалалари борасидаги ёндашуви юзасидан суҳбат.

Учинчи босқич - Республика босқичи:

Тўртта шартдан муваффақиятли ўтган таълим муассасаси, корхона ва ташкилотлар тизимининг ҳар биридан 2 (икки) нафардан етакчи ва сардорлар Иттифоқнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий Кенгашларига тақдим этилган ҳужжатлари умумлаштирилиб, Республика Ишчи гуруҳига тақдим этилади.

Ҳудудий Кенгашлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Республика Ишчи гуруҳи томонидан баҳоланиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги таълим муассасаси, корхона ва ташкилотларидан 1 (бир) нафардан бошланғич ташкилот етакчи ва сардорларини ғолиб деб топади.

Ишчи гуруҳга тақдим этилган етакчи ва сардорларнинг ҳужжатлари белгиланган тартибларга жавоб бермаган тақдирда танлов ғолиблигига тавсия этилмайди.

9. Танлов ғолибларини тақдирлаш республика босқичи (июнь ойининг охирги 10 (ўн) кунлиги) сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқарув академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида умумий етакчилик ва сардорлик фаолияти (психология, раҳбарлик этикаси, нотиқлик санъати) бўйича ташкил этиладиган бир ҳафталик малака ошириш курслари шаклида ўтказилади.

10. Танловнинг Республика босқичида 1-ўринни эгаллаган бошланғич ташкилот етакчи ва сардорнинг танловда қайта иштирок этишига рухсат этилмайди.



### III. Ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси

11. Танловнинг ҳар бир босқичини ўтказиш учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ходимлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари ходимлари, шунингдек бошқа жамоат ва давлат ташкилотлари вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилади.

### IV. Ғолибларни тақдирлаш

12. Танловда ғолиб бўлган етакчи ва сардорлар қуйидаги йўналишлар бўйича тақдирланишга тавсия этилади:

Танловда ғолиб бўлган етакчи ва сардорлар махсус гувоҳнома ва энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқарув академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида малака ошириш курсларида имтиёзли равишда ўқишга тавсия этилади;

"Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони ва "Мард ўғлон" давлат мукофотига тавсия этилади;

рағбатлантиришга муносиб деб топилган етакчиларга ўз соҳасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ҳамда хорижий мамлакатлардаги Олий таълим муассасаларининг магистратура босқичларида ўқитиш ҳамда (етакчи ва сардорлар) хорижий мамлакатларда бўлиб ўтадиган Халқаро анжуман, конференция ва бошқа йирик лойиҳаларда иштирок этишига имкониятлар яратилади;

танлов ғолибларини ҳудудий ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳудудлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларга раҳбарлик учун захира кадр сифатида рўйхатга олинади;

ғолибларга имтиёзли ипотека кредитлари асосида ёшлар уйлари олишлари учун тавсияномалар берилади;

ғолиб деб топилган етакчи ва сардорлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўрсатувлар, дастурлар ва мақолалар тайёрланади.

13. Танловда ғолибликни қўлга киритган етакчи ва сардорлар 30 июнь "Ёшлар куни" муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбирида тақдирланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларидаги бошланғич ташкилотларида самарали меҳнат қилаётган етакчи ва сардорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари ва уларни рағбатлантириш механизми Низомига илова

**Етакчи ва сардорнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ҳозиржавоблик ва ёшлар сиёсати масалалари борасидаги ёндашуви юзасидан суҳбат ўтказиш бўйича бўйича ҳудудий Ишчи гуруҳнинг НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий Кенгаши раиси | - | Ишчи гуруҳ раиси |
| 2. | Ҳудудий халқ таълими бошқармаси бошлиғи | - | Ишчи гуруҳ аъзоси |
| 3. | Ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи | - | Ишчи гуруҳ аъзоси |
| 4. | Ҳудудий ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактика бошқармаси бошлиғи | - | Ишчи гуруҳ аъзоси |
| 5. | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий Кенгаш раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари | - | Ишчи гуруҳ аъзоси |
| 6. | Лавозимига кўра тегишли бошқарма, бош 47бошқарма ва идоралар раҳбари | - | Ишчи гуруҳ аъзоси |
| 7. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий Кенгаши раиси ўринбосари, “Камалак” болалар ташкилоти раиси | - | Ишчи гуруҳ аъзоси |
| 8. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий Кенгаши аппарати Бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими мудири | - | Ишчи гуруҳ котиби |



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGIDA DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2961
2018 yil 10 yanvar

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ**
**ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сон “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири** **И. Маджидов**

Тошкент ш.,
2017 йил “27” декабрь,
30-2017-сон

**Молия вазири** **Д. Кучкаров**

Тошкент ш.,
2017 йил “27” декабрь,
166 -сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг
2017 йил 27 декабрдаги
30-2017 ва 186-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги**

**НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сон "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (бундан буён матнда Иттифоқ деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартибини белгилайди.

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қоидалари олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура босқичларида тўлов-контракт асосида ўқишнинг кундузги бўлимида (иккинчи мутахассислик, сиртқи ва кечки таълим бундан мустасно) таҳсил олаётган талабаларга қўлланилади.

2. Мазкур Низомга мувофиқ тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар Иттифоқнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти фаолиятида фаол қатнашган тақдирда Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-қувватланади

Моддий қўллаб-қувватлаш Иттифоқ томонидан талабанинг ўқиши учун тўланадиган йиллик тўлов-контракт миқдорининг 35 фоизини тўлаб бериш орқали амалга оширилади. Бунда талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш улар томонидан шартномада белгиланган тўлов миқдорининг 65 фоизини белгиланган муддатларда тўлаш шарти билан амалга оширилади.



3. Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарори асосида қўшимча тўлов-контракт асосида бакалавриат босқичига ўқишга қабул қилинган талабалар иккинчи босқичдан бошлаб моддий қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм Қўмондонлигининг тавсияномаси асосида олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган ва Иттифоқ томонидан моддий ёрдам кўрсатилаётган талабаларга мазкур Низомда белгиланган моддий қўллаб-қувватлаш имтиёзлари татбиқ этилмайди.

## 2-боб. Моддий қўллаб-қувватланадиган даъвогарларга қўйиладиган талаблар

5. Моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этилаётган талабанинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи ўрганилаётган даврда (биринчи босқич талабалари учун ўқув йилининг биринчи семестр натижаларини) 86 фоиз ва ундан юқори бўлиши лозим. Бунда талабанинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи ўрганилаётган даврдаги ўқув фанлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари йиғиндисини ўтилган ҳар бир семестрдаги ўқув фанларининг умумий сонига бўлиш орқали аниқланади.

6. Иттифоқнинг олий таълим муассасасидаги Ёшлар Кенгаши (бундан буён матнда Ёшлар Кенгаши деб юритилади) даъвогар талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда даъвогар талабаларнинг қуйидаги асосий кўрсаткичларини (биринчи босқичдаги даъвогар талабалар учун ўқув йилининг биринчи семестр натижаларини) инобатга олади:

даъвогар талабанинг Иттифоқ ва олий таълим муассасаси фаолиятидаги маънавий-марифий ва жамоат ишларида Иттифоқнинг бошланғич ташкилоти, маҳаллий ва ҳудудий Кенгашлари, Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан ташкил этиладиган лойиҳа ва тадбирларидаги фаол иштироки;

даъвогар талабанинг фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларидаги натижалари;

даъвогар талабанинг ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятлари;

даъвогар талабанинг илмий ва ижодий фаолияти натижалари;

даъвогар талабанинг олий таълим муассасасида белгиланган ички тартиб-қоидаларга риоя этиши (талабанинг олий таълим муассасасида белгиланган ички тартиб-қоидаларига риоя этмаганлиги юзасидан

фақат олий таълим муассасаси ректори буйруғи асосида берилган хайф-
сан Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши томонидан даъвогар талабани мод-
дий кўллаб-қувватлашни рад этиш учун асос сифатида қабул қилинади).

Даъвогар талабаларнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

## 3-боб. Моддий қўллаб-қувватланадиган даъвогар талабаларни саралаш

7. Ҳар йили 1 февраль кунидан кечикмаган ҳолда Ёшлар Кенгаши олий таълим муассасасида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича ўз фаолиятини бошлаши лозим.

8. Ҳар йили 10 февраль кунига қадар мазкур Низомнинг 2-бандида кўзда тутилган талабалар Ёшлар Кенгашига Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-қувватлаш кўрсатилишини сўраб ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

9. Ҳар йили 10 февралдан 15 февралга қадар Ёшлар Кенгаши даъвогар талабаларнинг аризаларини кўриб чиқади ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш учун тавсия этиш бўйича қарор қабул қилади.

10. Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши талабани моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш ёки рад этиш ҳуқуқига эга.

Даъвогар талабани моддий қўллаб-қувватлаш рад этилган ҳолларда, Ёшлар Кенгашининг тегишли мажлиси баёнида унинг сабаблари кўрсатилади.

11. Ёшлар Кенгашининг моддий қўллаб-қувватлашга талабаларни тавсия этиш тўғрисидаги қарори жорий ўқув йили мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

12. Ёшлар Кенгашининг тегишли мажлиси баёни нусхалари уч иш куни мобайнида олий таълим муассасасига ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига тақдим этилади.

Иттифоқнинг Марказий Кенгашига юбориладиган мажлис баённомасининг нусхасига моддий ёрдам кўрсатишга тавсия этилган талабаларнинг рўйхати илова қилинади.

Мазкур Низом асосида тақдим этилган барча ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳақиқийлиги учун олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) ҳамда Ёшлар Кенгаши жавобгар ҳисобланади.

13. Иттифоқнинг Марказий Кенгаши Ёшлар Кенгашлари қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани Ёшлар Кенгашининг тегишли



ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнг, ўн иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқади.

14. Моддий қўллаб-қувватлаш жараёни Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори асосида амалга оширилади.

15. Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорининг бир нусхаси уч иш куни ичида тегишли олий таълим муассасасига, яна бир нусхаси Ёшлар Кенгашига юборилади.

16. Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин беш банк куни мобайнида, лекин йилнинг 1 мартидан кечиктирилмай олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларига моддий ёрдам кўрсатиш пули ўтказилади.

17. Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда даъвогар талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш билан боғлиқ масалани кўриб чиқиш муддатларига ўзгартириш киритилиши мумкин.

## 4-боб. Моддий ёрдам кўрсатиш пулининг қайтарилиши

18. Талабалар сафидан чиқарилган ёки академик таътилга чиққан талаба Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2431, 2013 йил 26 февраль) 28 ва 29-бандларига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўлаган маблағини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказилган моддий ёрдам кўрсатиш пули қайта ҳисоб-китоб қилиниши ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига қайтарилиши лозим.

19. Олий таълим муассасаси талабалари сафидан чиқарилган талаба Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2431, 2013 йил 26 февраль) 27-бандига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўлаган маблағини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши тўланган моддий ёрдам кўрсатиш пулини талабадан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундиради.

20. Талаба моддий қўллаб-қувватланиш ҳуқуқидан воз кечса, олий таълим муассасаси талаба учун тўланган маблағни Иттифоқнинг Марказий Кенгашига ўн банк куни ичида қайтаради.

21. Мазкур Низомнинг 19-21-бандларида кўрсатилган ҳолатлар юз берган тақдирда Ёшлар Кенгаши Иттифоқнинг Марказий Кенгашини ўн календарь куни мобайнида хабардор қилиши шарт.

**5-боб. Якуний қоидалар**

22. Мазкур Низом қоидаларига риоя этилиши, шунингдек, Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-қувватланган талабаларнинг ўқув жараёнидаги иштироки, ўзлаштириши, интизоми ва Иттифоқ фаолиятидаги иштироки устидан назорат қилиш тегишли олий таълим муассасаси ҳамда Ёшлар Кенгаши зиммасига юклатилади.

23. Ушбу Низом Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан келишилган.

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси** **Қ. Қуранбаев**

201_7_ йил "_27_" _декабрь_



**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзолигига ёшларни қабул қилиш**

**ТАРТИБИ**

Аъзоликка қабул қиладиган жой:

Ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таълим муассасалари, иш ва хизмат жойларидаги бошланғич ташкилотлари орқали аъзо бўлади.

Аъзоликка қабул қилиш:

Ёшлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқига бир маротаба аъзоликка қабул қилинади.

Бошланғич ташкилот етакчиси томонидан барча ёшлар рўйхати улар томонидан тўлдирилган анкета асосида шакллантирилиб, бошланғич ташкилот кенгаши йиғилишида аъзоликка қабул қилинади.

Аъзоликка қабул қилинган ёшлар сонидан келиб чиқиб, бошланғич ташкилот етакчисига маҳаллий Кенгаш томонидан Иттифоқ кўкрак нишони, аъзолик ID-картаси (аъзолик гувоҳномаси) етказилади.

Аъзоликка қабул қилинган ёшлар тўғрисида маълумотлар бошланғич ташкилотлар томонидан рўйхатга олиш дафтарига қайд қилинади.

Аъзоликка қабул қилиш муддати:

Барча таълим муассасалари, иш ва хизмат жойларида 25 сентябрь кунидан Иттифоқ аъзолигига қабул қилиш бошланиши ҳақида ёшлар хабардор этилиши лозим.

Иттифоқ аъзолари қуйидаги **ҳуқуқлар**га эга:

умумий йиғилишлар, конференциялар, Қурултой, Иттифоқнинг сайланадиган органлари йиғилишлари ва босма даврий нашрларда масалаларни муҳокама қилиш чоғида ўз фикрини эркин ифода этиш;

шахсан ёки ўз вакили орқали Иттифоқнинг сайланадиган органлари қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Иттифоқнинг сайланадиган раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;

Иттифоқ органлари фаолияти тўғрисида маълумотлар олиш, ўзларига тааллуқли бўлган масалаларни муҳокама қилишда Иттифоқ органлари фаолиятида иштирок этиш ва шахсий фикрини билдириш;

Иттифоқ аъзолари қуйидаги **мажбуриятларни** ўз зиммасига олади:

Иттифоқнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қатнашиш;

Ёшлар ўртасида ва умуман, жамиятда Иттифоқнинг таъсири ва нуфузини оширишга ўз ҳиссасини қўшиш;

Иттифоқ органлари, бошланғич ташкилотларнинг умумий йиғилишлари қарорларини бажариш;

Иттифоқнинг бошланғич ташкилоти фаолиятида фаол қатнашиш.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзосининг
АНКЕТАСИ

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

| | |
|---|---|
| **Фамилияси** | |
| **Исми** | |
| **Отасининг исми** | |

| Туғилган йили | Ой | Куни | Мактаб рақами | Синф |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

_______________ Сана _______________ Шахсий имзо

_______________ Аъзоликка олинган тартиб рақами



**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотида юритиладиган ҳужжатлар**

**ЙИҒМА ЖИЛДЛАРИ**

| Йиғма жилд индекси | Йиғма жилд (жилд, қисм) сарлавҳаси | **Йиғма жилд сони** | **Сақлаш муддати** |
|---|---|---|---|
| 01 | Таъсис ҳужжатлари | 1 | Доимий |
| 02 | Умумий йиғилиш (ҳисобот-сайлов йиғилиш) ҳужжатлари | 1 | 5 йил |
| 03 | Бошланғич ташкилот Кенгаши ҳужжатлари | 1 | 5 йил |
| 04 | Таълим муассасасидаги ёшлар тўғрисида статистик маълумотлар | 1 | Доимий |
| 05 | Ёшлар иттифоқи аъзолари ҳақида маълумот | 2 | Доимий |
| 06* | Бошланғич ташкилот етакчилари маълумотлари | 1 | 5 йил |
| 07 | Бошланғич ташкилотиш режалари | 1 | 5 йил |
| 08 | Бошланғич ташкилот ҳисоботлари | 1 | 2 йил |
| 09* | Муддатли харбий ҳизматни ўтаб ўқишга қабул қилинган талабалар тўғрисида маълумот | 1 | 2 йил |
| 10* | 86% ва ундан юқори бўлган моддий қўллаб-қувватлашга лаёқатли талабалар тўғрисида маълумот | 1 | 2 йил |
| 11 | Кириш хатлар | 1 | 1 йил |
| 12 | Чиқиш хатлар | 1 | 1 йил |

* Ҳужжатларни архивлаштириш керак.

**Бошланғич ташкилот учун тавсия этиладиган стендлар НАМУНАЛАРИ**

*1-расм. Баннер.*







*2-расм. Эшикка илинадиган пештахта..*

*3, 4-расмлар. Стенд.*








**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари хонасини жиҳозлаш бўйича**

## ТАВСИЯЛАР

Мазкур услубий тавсиялар таълим муассасаси раҳбари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилот Кенгаши аъзолари учун мўлжалланган.

Тавсияларда бошланғич ташкилот хонаси, унинг жиҳозлари, зарурий ҳужжатлари ва бошқа масалалар акс этган.

**Бошланғич ташкилот хонасига қўйиладиган талаблар:**

Бошланғич ташкилот хонаси санитария-гигиена, меҳнат хавфсизлиги қоидалари ва меҳнат жараёнини ташкил қилишнинг қатъий талабларига жавоб бериши зарур.

Бошланғич ташкилот хонаси ишчи ходимларнинг ўз-ўзини бошқарувчи органи - бошланғич ташкилот Кенгашининг самарали фаолияти учун имкон берадиган, қулай ҳамда керакли мебель ва мосламалар билан жиҳозланган хонадир.

Бошланғич ташкилот хонаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари низоми ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этилади.

Хонада Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилот фаолиятини самарали ташкил этилиши, тегишли ўқув-услубий қўлланмалар, кўргазмали қуроллар, техник воситалар ҳамда бошқа жиҳозларнинг тартибли сақланиши таъминланади.

**Бошланғич ташкилот хонасидан фойдаланишда қуйидаги тавсияларга риоя қилиш тавсия этилади:**

*Техника хавфсизлиги:*

Хонадаги жиҳозларнинг барчаси меҳнат гигиенаси ҳамда техника хавфсизлиги талабларига тўла жавоб бериши керак.

*Эстетик талаблар:*

Хонадаги ҳар бир жиҳоз ва кўргазманинг умумий кўриниши эстетик талабларга жавоб бериши, сардорлар ва етакчиларнинг бадиий дидини тарбиялашда хизмат қилиши керак.

*Техникавий талаб:*

Буюмлар ва кўргазмаларни тайёрлашда сифатли, ўз вазифасига кўра узоқ муддат хизмат қиладиган, замон талабларига жавоб берадиган материаллардан танлаш керак.



**Бошланғич ташкилот хонасининг ўқув моддий-техника базаси:**

Бошланғич ташкилот хонасида қуйидаги жиҳозлар жамланиши керак. Услубий қўлланмалар, услубий адабиётлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, бошланғич ташкилот томонидан ўтказилган тадбирлар туширилган видеодисклар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг муассасадаги ҳаётини ёритувчи ахборот стенди, жадвал кўринишидаги кўргазмали қўлланмалар, иқтидорли ёшларнинг ишлари учун шкаф, ҳужжатлар йиғмажилдлари учун шкаф ҳамда креатив ёндошувга кўра китоб жавони ва бошқа тегишли ҳужжатлар бўлиши талаб этилади.

**Бошланғич ташкилот хонасидаги жиҳозлар:**

Бошланғич ташкилот хонасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ мавжуд бўладиган мебель ва жиҳозлари қуйидагилардан иборат:

- ✓ Ёшлар етакчиси учун иш столи - 1 та;
- ✓ Креслo ёки стул – 1 та;
- ✓ Бошланғич ташкилот Кенгаши аъзолари учун стол – 1 та айлана стол (Бошланғич ташкилот учун 15 кишига мўлжалланган);
- ✓ Бошланғич ташкилот Кенгаши аъзолари учун стул - 5 та;
- ✓ Флипчарт (пластик доска) ёки синф доскаси - 1 та;
- ✓ Кўргазмалар учун ойнаванд шкаф -1 та;
- ✓ Китоблар жавони - 2 та;
- ✓ Компьютер жамланмаси - 1 та;
- ✓ Принтер – 1 та;
- ✓ Проектор -1 та;
- ✓ Рақамли фотоаппарат - 1 та;
- ✓ Давлат рамзлари – 1 жамланма;
- ✓ Стенд - 1 та;
- ✓ Пештахта – 1 та;
- ✓ Иттифоқ шиори акс этган баннер – 1 та;
- ✓ Девонхона моллари;
- ✓ Ёшлар учун мўлжалланган газета ва журналлар (“Ёшлар овози” ва "Молодежь Узбекистана" газеталари ҳамда “Ёш куч” журнали).

**БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ПАСПОРТИ**

| | |
|---|---|
| Муассаса номи: | |
| Муассасанинг юридик манзили: | |
| Муассаса раҳбари: | |
| Муассаса раҳбарининг алоқа координатлари | Иш телефони:<br>Уяли телефони: |
| Муассаса ёшлар етакчиси: | |
| Маълумоти: | |
| Мутахассислиги, қачон қайси ўқув юртини тамомлаган: | |
| Миллати: | |
| Шахсини тасдиқловчи ҳужжати маълумотлари: | |
| Ёшлар етакчисининг алоқа координатлари | Иш телефони:<br>Уяли телефони: |
| Муассасадаги ёшлар сони: | Жами:______<br>Ўғил:______<br>Қиз:______ |
| Шундан: талабалар: | Жами:______<br>Ўғил:______<br>Қиз:______ |
| Ўқитувчи ва техник ходимлар: | Жами:______<br>Ўғил:______<br>Қиз:______ |
| Якка тартибда таълим олувчилар сони: | Жами:______<br>Ўғил:______<br>Қиз:______ |



| | |
|---|---|
| Нотинч оила фарзандлари сони: | Жами:______<br>Ўғил:______<br>Қиз:______ |
| Гуруҳлар сони: | |
| Ёшлар иттифоқи Сардорлари сони: | Жами:______<br>Ўғил:______<br>Қиз:______ |
| Ёшлар иттифоқи аъзолари сони: | Жами:______<br>Ўғил:______<br>Қиз:______ |
| Шундан: аъзоликка олинган ёшлар сони: | Жами:______<br>Ўғил:______<br>Қиз:______ |

________________ ________ ____________
(ОТМ муассаса раҳбари) (имзо) ФИШ)

________________ ________ ____________
(ОТМ муассаса ёшлар етакчиси) (имзо) (ФИШ)

**Бошланғич ташкилот хонасининг зарурий ҳужжатлари:**

1. Бошланғич ташкилот хонаси паспорти;
2. Мавжуд жиҳозлар рўйхати;
3. Бошланғич ташкилот хонасидан фойдаланиш бўйича техника хавфсизлиги қоидалари акс этган папка;
4. Хона ва жиҳозларнини маъмуриятдан қабул қилиб олинганлик бўйича далолатномаси;
5. Бошланғич ташкилотнинг йиллик иш режаси;
6. Хонада навбатчилик рўйхати.

| № | Техник воситалар рўйхати | Номи | Сотиб олинган йили | Инвентар рақами |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |

Бошланғич ташкилот хонаси
учун жавобгар (имзо) (ФИШ)



**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотларининг намунавий**

## ИШ РЕЖАСИ

| № | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| **I. Бошланғич ташкилот фаолиятини ташкил этишга қаратилган ташкилий ишлар** | | | |
| 1 | Бошланғич ташкилот ҳисобот-сайлов йиғилишини ташкил этиш | Сентябрь | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| 2 | Бошланғич ташкилотнинг гуруҳ етакчилари сайловини ташкил этиш | 4-5 сентябрь | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| 3 | Бошланғич ташкилотнинг факультет, талабалар турар жойи ва меҳнат жамоалари етакчилари ҳисобот-сайловларини ташкил этиш | 6-7 сентябрь | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| 4 | Етакчилар ўртасида тажриба алмашиш мақсадида сайёр семинарларни ташкил этиш | Йил давомида | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| 5 | Бошланғич ташкилот ва факультет етакчилигига номзодлар захирасини шакллантириб бориш | Февраль | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| 6 | Таълим муассасасининг 1-босқич талаба ёшларини бошланғич ташкилотга аъзоликка қабул қилиш | Доимий | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| 7 | "Энг намунали етакчи" рейтингини [illegible] | Май | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| **II. Таълим-тарбия сифати, ўқувчилар ўзлаштириши ва ёшлар муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар** | | | |
| 8 | Тарбияси оғир ва дарсларни паст ўзлаштираётган талабалар билан очиқ [illegible] ташкил этиш ва уларни ота-[illegible] | Йил давомида | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| 9 | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқ этилган "Олий таълим муассасаларининг одоб-аҳлоқ қоидалари" бўйича талабалар ўртасида [illegible] ишларини амалга ошириш | Йил давомида | Ёшлар етакчиси ва Маънавий-маърифий ишлар етакчиси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 10 | Талабалар ҳаёти, маданий дам олиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш борасидаги мавжуд аҳвол ва камчиликларни ўрганиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш | Икки ойда бир марта | Ёшлар етакчиси ва Маънавий-маърифий ишлар етакчиси |
| 11 | Янги ўқув йилида ўқишга қабул қилинган талабаларни ТТЖ ва ижара асосида квартираларга жойлаштириш мақсадида маҳаллалардаги ижарага қўйиладиган хонадонлар рўйхатини шакллантириш ва талабаларга эълон қилиш | Сентябрь-октябрь | Ёшлар етакчиси ва Талабалар турар жойларидаги етакчи |
| 12 | Таълим сифатини ўрганиш мақсадида талабалар иштирокида "Савол беринг, жавоб берамиз" мавзусида давра суҳбатлари ўтказиш | Чоракда бир марта | Ёшлар етакчиси ва Талабалар мурожаатлари билан ишлаш йўналиши етакчиси |
| 13 | Ректор, проректор ва деканлар иштирокида қабул кунларини ташкил этиш | Ҳар ойда | Ёшлар етакчиси |
| 14 | Институтга қарашли талабалар турар жойлари учун сўровномалар тузиш ва тузилган сўровномага асосан талаба-ёшлар ўртасида сўровлар ўтказиш | 1-ярим йиллик | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| **III. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидорини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар** | | | |
| 15 | Бошланғич ташкилот қошида волонтёрлик тизимини ташкил этиш | Декабрь-январь | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| 16 | "Ёшлар-бизнинг келажагимиз" шиори остида олий таълим муассасаси жойлашган ҳududдаги маҳалла фуқаролар йиғинида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш | декабрь | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| 17 | "Бир мурраббийга 100 шогирд" доирасида спорт мусобақасини *(волейбол, футбол, стол тенниси ва сузиш)* ташкил этиш | Йил давомида | Ёшлар етакчиси ва Спорт, саломатлик йўналиши етакчиси |
| 18 | Таълим муассасасида "китоб-кафе", "журнал-кафе" фаолиятини йўлга қўйиш ва талабалар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш | Март-май | Ёшлар етакчиси ва Фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш йўналиши етакчиси |
| 19 | "Мен ижтимоий фаол ёшман" шиори остида талабалар томонидан таълим муассасаси жойлашган маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар билан давра суҳбатлари ўтказиш | Йил давомида | Ёшлар етакчиси ва Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва имконияти чекланган талабалар билан ишлаш йўналиши етакчиси |
| 20 | Тарбиявий ишларда ота-оналар, устоз-мураббийлар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан алоқаларини кучайтириш ва ўзаро ахборот алмашинувини тизимли йўлга қўйиш | Йил давомида | Ёшлар етакчиси ва бошланғич ташкилотнинг меҳнат жамоасидаги етакчиси |
| 21 | Интернет тармоғи орқали дунёнинг ривожланган давлатлар олий таълим муассасалари билан боғланиб талабаларга фойдали ахборотлар, махсадли лойиҳалар, грантлар, стипендиялар, танловлар ва анжуманлар тўғрисида маълумотларни йиғиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш | Йил давомида | Ёшлар етакчиси ва Фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш йўналиши етакчиси |
| 22 | Олий таълим муассасасида таҳсил олаётган талаба-ёшларни давлат мукофотларига тавсия этиш | Белгиланган муддатларда | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| 23 | Факультетларда "Ёш олимлар клуби"ни ташкил қилиш | 1-ярим йиллик | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| 24 | Талаба-ёшларнинг манфаатлар ва ҳуқуқларига оид қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини ёшларга тарғиб қилишда "Ахборот гуруҳи" фаолиятини ташкил этиш | Сентябрь-октябрь | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| 25 | "Халқаро талабалар куни"га бағишлаб ўтказиладиган байрам тадбирларида институт иқтидорли ва ижодкор талаба-ёшлар иштирокида маданий концерт дастурларини уюштириш | Ноябрь | Ёшлар етакчиси ва Фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш йўналиши етакчиси |
| 26 | Институт талаба-ёшларининг театр клублари, "Қувноқлар ва зукколар", "Заковат" каби ижодий ва интеллектуал жамоаларга жалб қилиш | Мунтазам | Ёшлар етакчиси ва Фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш йўналиши етакчиси |
| 27 | "Ватанпарварлик ўлка тарихини ўрганишдан бошланади" (тарихий жойларга), "Аждодлар хотираси ёдимизда" (муқаддас қадамжоларга) "Ўзбекистон - жаннатмакон диёр", "Бахтлар водийси", "Биз нечун севамиз Ўзбекистонни" "Бунёдкорлик йўлида" (мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар) мавзуларида саёҳат ва экскурсиялар уюштириш | Йил давомида | Ёшлар етакчиси ва Маънавий-маърифий ишлар ва ёшлар туризми йўналиши етакчиси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 28 | Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳозирги кунда олий таълим муассасасида шартнома-тўлов асосида таҳсил олиб, Иттифоқ фаолиятида ва жамоат ишларида фаол қатнашиб, ўз билимларини яхши ва аъло баҳоларга ўзлаштириб бораётган талабаларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан ўқиш тўлов-контрактининг 35 фоизини тўлашда тавсиялар бериш ва рағбатлантириш | Ўқув йилининг 1-ярми | Ёшлар етакчиси ва Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга қабул қилинган талабалар билан ишлаш йўналиши етакчиси |
| 29 | Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳозирги кунда олий таълим муассасасида давлат гранти асосида таҳсил олаётган талабалар таълим муассасига яқин ҳудуддаги маҳаллаларда уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар олиб борилишини ташкил этиш | Ҳар ойда | Ёшлар етакчиси ва Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга қабул қилинган талабалар билан ишлаш йўналиши етакчиси |
| 30 | Талабалар турар жойида "Ёш журналистлар", "Китобхон талаба", "English-conversation club" клублари ва "Ёшлар иттифоқи" радиосини ташкил этиш | Сентябрь-октябрь | Ёшлар етакчиси ва йўналиш етакчилари |
| 31 | Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг энг фаол аъзоси бўлган талаба ёшлар учун бир йиллик ўқув шартнома тўлови миқдорининг 35фоизи тўлаб берилган талабалар томонидан Бошланғич ташкилоти қошида қизиқишидан келиб чиққан ҳолда турли хил тўгараклар ташкил этиш | Йил давомида | Ёшлар етакчиси ва Фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш йўналиши етакчиси |
| 32 | Бошланғич ташкилот қошида ўзлаштириш даражаси паст ва тарбияси оғир талабалар учун психологик маслаҳатларни ташкил этиш | Мунтазам | Ёшлар етакчиси ва ҳамкор ташкилотлар |

Муҳаррир Ахтам Рўзимуротов

Бадиий муҳаррир ва техник муҳаррир
Дилмурод Жалилов

Саҳифаловчи Мадина Абдуллаева

Мусаҳҳиҳ Райхон Ибрагимова

Нашриёт лицензияси АИ № 315. 24.11.2017.
2018-йил 08-майда босишга рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16. Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 4 шартли босма табоқ.
Адади 1000 нусха. 6 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида

Оригинал макет Ёшлар нашриёт уйида тайёрланди.

«Graf poligraf print» МЧЖ нинг матбаа бўлимида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,
Қатортол кўчаси 44 А уй.